

# Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган \* 2013 йил 7 сентябрь. Шанба №76 (938) \* www.mahallagzt.uz \* info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ЭЗГУ ИШГА ҚАНОТ ВА ШИЖОАТДИР

**Йигирма икки йил тарихан қисқа фурсат. Лекин мана шу давр мобайнида Ўзбекистон дунёда тенглар ичра тенг давлат сифатида ўзининг барқарор ривожланиши, юксак иқтисодий салоҳияти билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бўлди.**

Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг узоқни кўлаб олиб бораётган оқилона сиёсати, дунёда тан олинган тараққиётнинг «ўзбек модели»дан бугун кўлаб давлатлар андоза олаётгани сир эмас.

Мамалякамизда асрларга татигулик улкан бунёдкорлик ишлари, инсонпарвар ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай ҳаётбахш ўзгаришлар, аввало, инсон ва унинг манфаатларини ифода этгани билан аҳамиятлидир.

Халқимизнинг азалий қадриятларини ҳамда анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришга, қадр-қимматимиз, таянч ва ифтихоримиз булган мустақилликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган саъй-ҳаракатларда, кишиларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириб, Ватан тақдирини дахлдорлик ҳиссини, ўз кучи ва имкониятларига ишончини тобора орттиришда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари, маҳалла фуқаролар йи-

гинлари ҳамда уларда меҳнат қилаётган жонқуяр ва самимий инсонларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Таъкидлаш жоизки, асрлар давомида халқимиз турмуш тарзи, анъана ва қадриятларини ўзида мурасам этган маҳалла институтини истиқлол йилларида ўзининг ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Президентимиз раҳнамолигида бошқарувнинг ноёб бугини — маҳалла институтини фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилиб, имконият ҳамда ваколатлари кенгайтирилмоқда. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар замирида Ватан равнақи, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Зотан, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида бу энг тўғри ва адолатли йўл эканини қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам тасдиқлаб турибди.

> [2]

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА



ЎЗ сураги.

## БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ ВА ҚУДРАТИ

**Жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Сўнги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив санолатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтариш-

да муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мамалякамиз тиббийёт соҳасининг ривожини биргина билрамал бугун — ҚВПлар замонавий тиббий марказ сифатида шаклланаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Қисқа фурсат ичида қишлоқ ва овулардаги тиббийёт муассасалари биохимик анализатор, автомаскоп, автоклава, бимуклюр микроскоп, фитал доплер ва ЭКГ аппаратлари каби дунё-

нинг энг сўнги тиббий асбоб-ускуналари билан тўлиқ таъминланди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдаги чора-тадбирларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви ҳам фаол иштирок этмоқда. Чекка ҳудудлардаги врачлик пунктларида аҳолига кўрсатилмаётган малакали тиббий хизмат ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар, кенг кўламли тушунтиришлар туфайли аҳолининг юқумли хасталиклар билан касалланиши кескин камайди.

> [3]

## ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ МАЖЛИСИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.

> [2]

ОБОДЛИК КўНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

## ОРЗУ ВА МАҚСАДЛАРДА АКС ЭТГАН ТУЙҒУ

**Мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқ ва марраларимиз, муваффақиятларимиз Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк келажак сари ташланган қадамларнинг нақадар халқчил ва ҳаққоний эканини исботлаб турибди.**

Юртимизда ҳамон байрам шукӯҳи кезмоқда. Энг улуг, энг азиз айём кайфияти юртдошларимиз руҳиятида, орзу-умидларида акс этган. Энг муҳими, Ватан тақдирини, келажакни дахлдорлик ҳисси халқимизни улкан бунёдкорлик, яратувчанлик сари бошламоқда. Заминимизнинг ҳар қарич ери обод, файзли ва тароватли бўлиб бораётир.

Истиқлол бизни қадриятларимизни эъзозлашга ўргатди. Шу боис бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи, гайрат-шижояти билан яшаймиз. Ватанимизни янада обод, турмушимизни бундан-да фаровон

тақилитимизнинг йигирма икки йиллигини ҳар соҳада ҳавас қилса арзигулик ютуқлар билан қарши олди. Байрам арафасида фойдаланишга топирилган кўлаб иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, намунавий турар-жойлар энг улуг, энг азиз айёмга муносиб туҳфа бўлди.

Бўлимизда томонидан «Ободлик кўнгилидан бошланади», деган нақлга асосан, байрам арафасида шаҳримизда истиқомат қиладиган 55 та кам таъминланган оила аъзоларига 14 млн. сўмдан зиёд озик-овқат махсулотлари тарқатилди.

Шаҳримиздаги мавжуд 43 та фуқаролар йиғинида 119 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Фуқаролар йиғинлари фаолари кўмагига таяниб, ҳудуд аҳолисини томорқалардан унумли фойда-

ланишга даъват этилди. Натижада йиғинлар аҳли ўз ихтиёридаги 65,6 гектар ердан йилга икки-уч марта ҳосил олиб, рўзгорларига қўт-барака киритишяпти.

Аҳоли бандлигини таъминлашда саноат корхоналари муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилда шаҳримиздаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаш 300 нафарга яқин йигит-қиз ҳудудимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлаштирилди.

Фуқаролар йиғинлари фаоларига муносиб меҳнат фароити яратиб бериш, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳам доимий эътиборимизда. Обод турмуш йилининг ўтган даври мобайнида 10 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 6 таси мебель жиҳозлари



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2013 йилга мўлжалланган Иш режасида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш борасида Фонд республика бошқаруви ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида диний ақидаларнинг олдини олишга қаратилган давра сўхбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

Жорий йилнинг иккинчи чораги давомида фуқаролар йиғинларида ўтказилган 13 мингга яқин тадбирлар ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Уларга 1 миллион нафардан ортиқ ёш жалб этилди. Шунингдек, Обод турмуш йилининг иккинчи чорагида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш, мамлакатимиз мустақиллигига раҳна солиш эҳтимоли бўлган ҳар қандай таҳдидларга барҳам бериш мақсадида 10 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари уюштирилди. Уларда 500 минг нафарга яқин аҳоли, шу жумладан, 250 мингдан ортиқ ёшлар иштироки таъминлангани йиғилишларнинг таъсирчанлигини янада ошириб юборди.

Фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlари томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳаллаларда 4 мингдан зиёд тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида вояга етмаганлар ва аёллар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кескин камайди.

Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу маънода, Фонд ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан фуқаролар йиғинларида аҳолини кенг жалб этган ҳолда «Тинчлик — бебаҳо неъмат», «Дин ва маънавият», «Ақидаларистик ва диний экстремизм кўринишларининг олдини олишда аёлларнинг ўрни», «Соғлиқ — давр талаби» мавзуларида давра сўхбатлари ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган бу сингари маънавий-маърифий тадбирлар Ватанимизни янада тараққий эттириш, турмушимизни обод ва фаровон қилишдек хайрли мақсадларга хизмат қилади.

Мақтуба ОРИПОВА,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

## ТАШАББУСКОРЛИК, ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ ОРТМОҚДА

**Халқимизнинг бағрикенглиги, нияти ва мақсади пок ва улуглиги боис йўли раволиги ҳақидаги фикрлар тарих синовидан ўтган ҳақиқат.**

Шунингдек, йиқилганни суяш, қўни-қўшни ва яқинлар ҳолидан хабар олиш, беморлар кўнглини кўтариш ҳам элимизга хос фазилат.

Ушбу эзгу анъана ва қадриятларга ҳамоҳанг тарзда истиқлол йилларида маҳалланинг жамият ҳаётидаги мавқеи мустаҳкамланиб, мазкур тузилма ижтимоий кўмаклашувнинг энг адолатли ва таъсирчан институтига айланди.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Беҳизор» маҳалласида эҳтиёжман оилалар, ёлғиз кексалар ва боқувчисини йўқотганларни рағбатлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Йигин ҳузурида Ижтимоий кўлаб-қувватлаш бўйича комиссиянинг фаолият кўрсатаётгани бу борада муҳим омил бўлаётир.

> [2]

БАЙРАМ ШУКУҲИ

## ЖАЖЖИ НИГОҲЛАРДА ПОРЛАГАН ҚУВОНЧ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сураги.

**Юнусобод туманининг «Бободехқон» маҳалласида тантанали суратда нишонланган мустақиллик байрами шодиечаларига 20 нафар болажоннинг суннат тўйлари уланиб кетгани ҳам бу каби эзгуликлар кўлами тобора кенгаётганидан далолат.**

— Ўтган йили 16 нафар боланинг тўйларини ўтказишга ёрдамлашган бўлсак, бу йил улар сонини яна тўрттага кўпайтирдик, — дейди «Бободехқон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоир Эргашев. — Ҳомийлар кўмагидан фойдаланиб, уларнинг ҳар бирига кийим-боши, совға-саломлар улашдик. Бу тўйлар аҳолини нафақат ижтимоий ҳимоя қилишга, балки оилавий маросимларни камхарж, исрофгарчиликларсиз ўтказишга ҳам хизмат қилади.

Маҳалла гузарига тузалган туқин дастурхон устида қўни-қўшнилар бир-бирини энг улуг, энг

Умида УЗОҚОВА  
«Маҳалла»

Рўзमत ЛОЙИҚОВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олмалиқ шаҳар бўлимиси раиси.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ЭЗГУ ИШГА ҚАНОТ ВА ШИЖОАТДИР

< [1]

Тизим фаоллари томонидан маҳалла ҳудудида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлик масаласини ҳал этишга кўмаклашиш, маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш каби қатор вазифалар юзасидан самарали ишлар бажариламоқда.

Уз навбатида, тизимда меҳнат қилаётган фаолларнинг эл-юрт манфаати, Ватан тараққиёти йўлидаги камтарона хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 июль кўни қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

Ушбу Фармонга кўра, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳалларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга, миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун тизимнинг 60 нафар фаоли «Эл-юрт ҳурмати», «Фидокорона хизматлари учун», «Меҳнат шухрати», «Дўстлик» орденлари, «Шўҳрат» медали каби давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йилларида икки йиллиги муносабати билан давлат мукофотларига сазовор бўлган юртдошларимиз орасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг ҳудудий бўлиқлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 15 нафар вакили ҳам борлиги қувонардир.

Шу тариқа сўнги 6 йил, яъни 2008-2013 йиллар мобайнида тизим ходимларидан 214 нафари турли даражадаги давлат мукофотларини қўлга киритди. Мукофотланганларнинг 15 нафарини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутасаддилари ташкил этса, 199 нафари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларидир.

Бугунги кунда маҳалла илгари давлат ҳокимияти органлари ваколатида бўлган қўллаб-қувватлаш бўлиқлари урғунлиги билан вақтида мукофотланганларнинг 15 нафарини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутасаддилари ташкил этса, 199 нафари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларидир.

Фуқаролар йиғини фаолиятини янада такомиллаштириш, уни чинакам хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, мустақам ижтимоий шериклик муносабатларини ўрнатиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан оқимизда турган вазифалар бекаму кўст удаланмоқда, маҳалларнинг ҳар бир мутасаддиси юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда.

Таъкидлаш жоизки, Обод турмуш йили фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеини ошириш, фаолиятини яхшилаш ҳамда ташкилийни муҳкамлаш ишлари янада муостаҳкамлаш йили бўлмоқда. Айни пайтда фуқаролар йиғинлари томонидан ижтимоий шериклик асосида аҳолининг моддий фаровонлигини ҳамда бандлигини таъминлаш бора-бора ҳам муайин ишлар амалга ошириламоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида

республикамиз маҳалларида мингдан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 44 мингдан орტიқ янги иш ўринлари яратилган ҳам фикримиэнинг яққол тасдиғидир.

Исон ҳаётда бахтли ва фаровон турмуш кеиришни орзу қилади. У олдига юксак мақсадларни қўйиб, уларга интилиб яшайди. Бундай эзгу ниётларга етишишнинг шартлари ва омиллари бисёр. Бироқ улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса инсоннинг ўзи яшаб турган маҳалласи ҳамда юртининг тинчлигига ҳисса қўшишидир. Зеро, Юртбошимиз ўзининг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласида тинчликнинг нақадар буюк неъматлигини таъкидлаб, унинг қадрига етиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини уқтиради.

Шу маънода маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Айниқса, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорларининг профилантика инспекторлари билан мустақам ҳамкорлиги хотин-қизлар ҳамда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кўл келмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида мукофотланганларнинг аксарияти фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорлари экани уларнинг улутвор мақсадлар йўлидаги камтарона хизматларининг юксак эътирофидир.

Бугунги кунда маҳалла тизими аҳолига ҳар томонлама қўмак бериш билан бир қаторда, кишиларни юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишларига

сафарбар этиш, ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялаш жараёнида эзига хос мавқега эга. Жумладан, Президентимиз Исрол Каримовнинг маъруза ва асарларининг мазмун-моҳиятини ҳамда уларда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни маҳаллаларда кенг тарғиб қилиш мақсадида жойларда 11 мингдан зиёд давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида 123 та семинар, 11 мингта яқин учрашув ва давра суҳбатлари, шунингдек, ҳамкор ташкилот-тинчликга ҳисса қўшишидир. Зеро, «Меҳнат яшнар кўнгли» ширин остида 1250 дан зиёд турли хайрия тадбирлари уюштирилди. Мазкур тадбирларда 800 минг нафарга яқин аҳолининг иштироки таъминланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ва туман(шаҳар)лар миқёсидаги маҳаллаларда фуқароларнинг маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, ёш авлодини миллий ва маънавий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигига илҳомий таъсир этувчи 300 мингта яқин тадбирларни ўтказиш учун фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий қўмак берилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, халқимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, турли жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалда юксак самаралар бераётганини яққол тасдиқлаб турибди. Бу жараёнларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли тобора ортаётгани эса маҳалларимиз тинчлиги, ободлиги, фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига қўйилаётган вазифаларнинг тула рўёбга чиқарилиши учун зарур шарт-шароит яра-

тиш борасида тизимнинг, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан икки юзга яқин фуқаролар йиғини биноси тубдан таъмирланди. Етти юздан ортиқ фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси тақдим этилган бўлса, саккиз юзга яқини мебель жиҳозлари билан таъминланди. Бундан ташқари, ўттиздан зиёд замонавий маҳалла турари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳаллаларда юздан ортиқ болалар майдончалари барпо этилиб, беш юзга яқини қайта таъмирдан чиқарилиди.

Юртбошимиз томонидан маҳалла институтини ривожлантиришга, унинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги нуфузини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, оқимизга қўйилган заворли вазифаларни шараф билан удаллашимизга, муайян ютуқларни қўлга киритишимизга гаров бўлмоқда.

Қолаверса, соҳа фидойиларига кўрсатилаётган рағбат аҳолини кенг кўламли ижтимоий муҳофазалаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда бизга қанот, янги-янги марраларни қўлга киритишда қўлқувват, шижоат ва жасорат бағишлайди. Айни пайтда бундай юксак эътибор тизимда фаолият олиб бораётган барча ходимлар зиммасига залворли масъулият юклайди.

Бундан буён ҳам фаолиятимизни янада такомиллаштириш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш бериш борасидаги ишларимизни аниқ ва тизимли асосда ташкил этиш, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш устувор вазифаларимиздан бўлиб қолаверади.

Анвар АҲМЕДОВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – БОШ МЕЗОН

# ТАШАББУСКОРЛИК, ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ ОРТМОҚДА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Комиссия таркибида маҳалла-қўйда обрў-эътибор топган зиёлиларнинг жамлангани фаолиятимизда адолат ва холислик тамойилларига тўлиқ амал қилинишини таъминлашга эришмоқда. — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Мунаввархўжаев. — Хусусан, мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртрларининг профессор-ўқитувчилари — Мусахон Йўдошев ва Сафо Матжонов фаол аъзоларимиздан.

Комиссия аъзоларининг сайёҳаракати билан ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни, уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга кўмаклашишга эришмоқда. Жорий йилда бюджет соҳасида ишлаётган 2 нафар онага болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича нафақа тайинланди. Ниқоҳ ва тағна тўйларини ўтказиётган 5 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳомийлар ҳисобидан 4 та хонадон соҳибларига уйлари таъмирлашда ёрдам кўрсатилди, 2 нафар фуқарога ногиронлик арава-часи олиб берилди.

Мустақиллик, Хотира ва қадрлаш куни, Наврўз, Ватан ҳимоячилари куни, Хотин-қизлар байрами, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, умумхалқ хайрия ҳашарлари, «Маҳалла куни» сингари миллий қадриятларимизни акс эттирувчи шодиёналар муносабати билан қўллаб-қувватлаш маърифий, саховат тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Шунингдек, ёрдамга муҳтож, ёлғиз кексалар, ногиронлар, фахрийлар, кўп фарзандли, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар вақиларига совға-саломлар улашмоқда.

Комиссиянинг тавсияларига кўра, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлими томонидан ҳам эҳтиётчан кишиларга моддий ёрдам кўрсатиляпти. Хусусан, жорий йилда бўлимага томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган бир нафар касб-хўнар коллежи ўқувчисига замонавий русумдаги компьютер жамланмаси тақдим этилди. Яна бир оилага телевизор совға қилинди. Бундан ташқари, 5 нафар фуқарога ўз со-

лигини тиклаши учун моддий ёрдам берилади.

Комиссия аъзоларининг сайёҳаракати билан аҳолининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш орқали ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги мустаҳкамланмоқда. Қолаверса, ҳудудда оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни янада ривожлантириш ҳисобига ижтимоий муҳофазатга муҳтож оилалар сонини камайтиришга эришмоқда. Бунда касаначалик асосида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш муҳим урин тутайди. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йили ижтимоий муҳофазатга муҳтож оилалар сони 59 таши ташкил этар эди. Жорий йилда эса улар сони 23 тага тушди.

— Эҳтиётчан оилаларни аниқлашда кўча бошқаларининг тавсиялари муҳим урин тутайди, — дейди йиғин масъул котиби, комиссия аъзоси Гузал Тураева. — Чунки бошига ташвиш тушган киши фуқаролар йиғинига мурожаат қилишга тортишни мумкин. Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тулаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлангач, бу борадаги ишларимиз янада такомиллашди. Низомда ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамнинг барча турлари учун оила муҳтожлигини аниқлашнинг ягона мезони жорий этилган ва ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик даромад миқдори аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаслиги белгилаб қўйилган. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-боб, 11-12-моддаларига айнан ижтимоий ҳимоя масаласида қўшимча ва ўзгаришлар киритилган.

Дарҳақиқат, тизим тақомили йўлида қатор ислохотлар амалга оширилди. Энг муҳими, нафақат мутасаддилар, балки аҳоли ҳам ушбу ўзгаришлар моҳиятини тереан англамоқда. Натияжада кишиларнинг бурч, масъулият ва имтиёз ҳақидаги тасавурлари ҳам ўзгарди. Яъни уларда ташаббускорлик, дахлдорлик ҳисси ортаётди.

Элбек ЖУМАНОВ  
«Mahalla»

ҚОНУН ТАРҒИБОТИ

# ЭРТАНГИ КҮН ЭГАСИГА ҒАМХҲҮРЛИК

Юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни миллий маънавиятимизга ёт иллатлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан унинг ижросини таъминлаш йўлида қатор самарали тадбирлар ташкил этилмоқда.

Қонуннинг II боб, 10-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари белгилаб берилган. Бухоро шаҳридаги Маҳмуд Таробий номидаги маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Олима Гуломованинг таъкидлашича, ҳудудда жамоатчилик назорати ўрнатилиб, мазкур қонун ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, йиғин ҳудудидан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарғиб этувчи кўрғазмали воситалар олиб ташланади. Ушбу маҳсулотларни вояга етмаган болаларга сотиш тақиқланди.

Маҳалла фаоллари томонидан жойларда мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида тарғибот ишлари, пешлавчалар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилиб, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг зарарли оқибатлари хусусида тушуنчалар берилмоқда.

— Аҳоли ўртасида қонун тарғиботига доир давра суҳбатлари, учрашув-мулоқотлар уюштирилди. — дейди ҳудуд профилантика назирини Шоҳназар Курбанов. — Тадбирларда аҳолига янги қонуннинг моҳияти ва талаблари хусусида батафсил маълумот бердик. Хусусан, тиббиёт ходимлари спиртни ичимликлар ҳамда та-

маки маҳсулотларининг, аввало, унга ружу қўйган кишиларга, қолаверса, уларнинг яқинларига зарарини илмий асослаб беришди. Ана шундай жонли мулоқотлардан сўнг маҳалламизда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилувчилар сони анча камайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда мазкур иллатлар оқибатида келиб чиқадиган касалликлар боис ҳар йили 2,5 миллион киши вафот этади. Аянчлики, уларнинг кўпчилиги ёшлардир. Тамаки чекиш оқибатида кўп инсонлар ўпка раки, юрак хуружи, ўпка силли, астма ва бошқа нафас йўли билан боғлиқ хасталикларни ортиртганини исботланган. Ҳар йили 600 минг киши пассив чекиш асорати билан ҳаётдан кўз юмаётгани ҳам мазкур муаммонинг нақадар жиддий таъ олганидан далолат. Муҳим томони шундаки, уларнинг 40 фоизи болалар, қолганлари эса умуман чекмайдиган кишилардир. Бу маълумотлар одамни чуқур ўйга тоддиради. Мулоҳаза юритишга ундайди.

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун мамлакатимизнинг эртаси учун кўрсатилаётган гаумўраликнинг амадаги ифодасидир. Унинг ижросини таъминлаш уғил-қизларимизни иродали, соғлом ва юксак салоҳиятли бўлиб камол топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ақбар РУСТАМОВ  
«Mahalla»



Навоий шаҳридаги «Гулистон» маҳалласида истиқомат қилаётган Муҳаррам Ёқубова мамлакатимизда ишбилармонлик соҳасида яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, «Довудбек Сито» хусусий корхонасини ташкил қилди ва оила аъзоларини иш билан таъминлади.

# ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ МАЖЛИСИ

< [1]

Божхона қонунчилигини бузиш иқтисодий барқарорликка бевосита салбий таъсир қилади. Шу боис божхона соҳасидаги қонунлар ижросини таъминлаш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш борасида судлар илҳомий фаолият юритмоқда. Пленум мажлисида муҳокама этилган «Божхона тўғрисида»ги қонунчиликни бузиш ва контрабандада оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Олий суд пленуми қарори лойиҳасини ушбу йўналишдаги фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Соҳага оид қонунларни судлар томонидан тўғри қўллаш юзасидан Олий суд пленумининг 1996 йил 27 фев-

ралда «Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 26 декабрда тасдиқланган Божхона кодексининг қабул қилиниши муносабати билан суд амалиётида вазужда келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинган. Мазкур қарорлар божхона қонунчилигини амада тўғри қўллаш бўйича судлар учун муҳим асос вазифасини ўтамоқда.

Шу билан бирга, ўтган даврда Жиноят кодексининг 182- ва 246-моддалари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 227-моддаси ҳамда Божхона кодексига юз-

дан ортиқ ўзгартиришлар киритилди. Табиийки, бу Олий суд пленуми қарорларини ҳам такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Пленум қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ишчи гуруҳи томонидан судларда қўрилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга оид жиноят ишлари ўрганилиб, умумлаштирилди. Шунингдек, мутасадди идоралар томонидан тақдим этилган тақлиф ва фикр-мулоҳазалар асосида қарор лойиҳаси тайёрланди.

Пленум мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»

ги қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама этилди. Мазкур лойиҳа бу йўналишда қонунчиликка киритилган янги ўзгариш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда ягона суд амалиётини шакллантиришни назарда тутайди.

2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан Фуқаролик процессуал кодекси 31-боб билан тўддирилиб, унда фарзандликка олиш ҳақидаги аризаларни судлар томонидан ҳал этишнинг процессуал тартиби белгиланди. Бунгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999

Н.АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА муҳбири.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

# БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ ВА ҚУДРАТИ



УшА сурати.

Утган йили Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция дастурига кўра, 13 та тиббиёт муассасасида 24 миллиард сўмлик яқин қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада ҳудудда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш ишлари Обод турмуш йилида изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Шуманай туманидаги тиббиёт бирлашмасида олиб борилган салкам 2 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари

дан сўнг муассаса биноси янги кўринишга эга бўлди. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган марказда 195 уринли шифохона ҳам барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, жорий йилда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали билан ҳамкорликда 30709 нафар ўсмир, шу жумладан, 19233 нафар қиз қуриқдан ўтказилиб, уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида аҳоли саломатлигини мустақамлаш, фертиль ёшидаги аёллар, ўсмирлар, болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати

ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган куриқлар малакали шифокорлар томонидан олис овуларда ҳам ташкил этилди.

Маҳаллалардаги «Саломатлик кунлари»да 4833 та давра суҳбати, 9450 та семинар, 98371 та мулоқот ва 4063 та учрашув ташкил этилди. Шунингдек, ҳар бир фуқаролар йиғинида 363 та «Саломатлик бурчаги» ташкил этилган бўлиб, улар 27 мавзудаги материаллар билан таъминланган.

Фуқаролар йиғинларидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчилар ва тиббиёт патронажи ҳамширалари билан биргаликда 180 мингдан зиёд оиланинг ижтимоий-иқти-

содий аҳоли урганилиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

Бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширилишида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, фуқаролар йиғинлари томонидан ҳамкор ташкилотларга яқиндан қўмақлашилмоқда. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари томонидан жамоатчилик назоратининг урнатилишида услубий ва амалий ёрдам кўрсатилади. 189 та қишлоқ врачлик пунктлари, 4 та оилавий поликлиникалар томонидан шу кунга қадар фуқаролар йиғинларига 600 марта ба ҳисобот берилган.

Тадбирларда тарғиботнинг таъсирчанлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарлидир. Хусусан, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида ўтказилаётган давра суҳбатларида тиббий куриқнинг аҳамияти, болалик кўрак сути билан боқилишнинг афзалликлари, ҳомиладорлик даврида онанинг турти овқатланиши каби мавзуларда аҳолига кенг қамровли тушунчалар берилмоқда.

Ёш оилаларга фарзанд тарбиясида қўмақлашиш мақсадида маҳаллаларда 1200 дан ортиқ «Ёш ота-оналар мактаби» ташкил этилди. Фертиль ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза-лаш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилган «Саломатлик ҳафталиги» доирасида республикадаги 280 минг нафардан зиёд хотин-қизлар тиббий куриқдан ўтказилди. Уларнинг 115 нафарга яқини амбулатория ва стационар марказий шифохоналарда

соғломлаштирилди.

Энг чекка қишлоқ, чегара ҳудудлари аҳолиси учун «Кўчма врачлик бригадалари» ташкил этилди. Хориждан ва жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқароларни тиббий куриқдан ўтказиш, улар истиқомат қиладиган хонадонларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Микронутриентлар етишмаслиги туфайли келиб чиқадиган касалликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги билимларни ошириш мақсадида соҳа мутахассислари иштирокида йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчилари ҳамда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари учун ўқув-семинарлари ўтказилаётди.

Шунингдек, шаҳар, туманлардаги тутуруқ марказларида «Ёш оила мактаби», «Оила психологияси», «Соғлом турмуш тарзи» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди. Мухтасар айтганда, мамака-тимизда «Соғлом она — соғлом бола» эзгу тамойилини ҳаётга таъбиқ этиш йўлида олиб борилаётган сатий-ҳаракатлар халқ саломатлигини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни шакллантиришга хизмат қилаётди.

Кожабой ЕЛМУРАТОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси.

МАҲАЛЛА—ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# ФАРОВОН ҲАЁТ УЧУН ШАРОИТ ТЎКИС



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«Миробод» — Олтинкўл туманининг Андижон шаҳри билан шундоқ чегарадоқ маҳалласи. Шунданми, бу ер одамларининг яшаш тарзи, кийиниш диди, муомала маданияти ҳам ўзига хос.

«Миробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуҳаким Юсуповни узоқ йиллардан буюн яхши танийман. Илмми, узоқ йиллик ҳаётий тажрибага эга бу киши маҳаллада аҳилликни, тотувликни ҳамма нарсадан устун қўядиган раислардан.

Фуқаролар йиғини раиси билан маҳаллани айланиб, замонавий услубдаги уй-жойлар, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўриб, одамларнинг турмуш маданияти юксалаётганидан қувондик. Раис айтмоқчи, маҳалла аҳлининг бой бўлмаслига ҳаққи йўқ. Ери ҳосилдор, суви зар, одамлари меҳнаткаш. Айниқса, тадбиркорликка қўлай шарт-шароит яратилиб, фаолиятни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилганда бир даврадан ундан оқилона фойдаланмай буладими?!

Республикамизнинг Қўқон, Маргилон, Тошкент, Сирдарё бозорларида «Миробод зирвори» деган атама бор. Буни харидор ҳам, сотувчи ҳам яхши билади. Олтинкўлдан боради шу маҳсулот. Айтганимиздек, мирободликлар ошмакни хуш кўради. Андижоннинг Бутақора адирларидан ижарага ер олиб, зирвор эки-шади. Бу ерда парваришланган кашанич, райхон, ширин булғор қалампир таърифига тил оқиз. Таоминга хушбўйлик, кайфиятнингизга кўтаринкилик берадиган бу экинни етиштириш катта меҳнат, миришкорлик талаб қилади.

«Зирвор қалай?!» — бу мирободликларнинг саломдан кейинги сузи. «Яхши бўлди. Даромадга бу йил уғилни уйлантириб оламиз. Қолаверса, чала иморатимиз шу даромад билан битиб қолади». Бундай гаплар меҳнатнинг роҳати, чарчоқнинг ҳордиғидай янграйди.

«Миробод»даги тадбиркорлик маҳалла раисининг хонадонидан

бошланган, десак муболага бўлмайди. Угли Холмуроджон ва келини Шаҳнозахоналар томорқага ёнлаб қурилган икки катта хонада тикувчилик цехи очган. Отанинг томорқадаги деҳқончилиги ҳам ҳавасга арзийди. 30 туп сархил нав қўқонгилос, 30 туп лимон, бодом, ёнғоқ, урик, хулмас, бари мевага кирган. Саҳнга салқинлик бериб турган сўритқоқдаги узумнинг ҳар донасику дурдай осилиб турибди.

Яна бир тадбиркор — Абдуҳошим Исмоилов келиш ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Унинг корхонаси маҳсулотлари бутун 54 хилга етди. Зайнабхон Раҳматовга қозоқ чиқиндиларига иккинчи умр берадиган цех очди. Яна бир ишбилармон — Қодиржон Қозоқов эса Хитой технологияси асосида гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Маглуба Каримова, деган удабурон аёл, ўз оилавий имкониятларини ишга солиб, чорва ва боғдорчиликда муваффақиятлар қозонмоқда. Бутун унинг 20 бош қорамоли, 50 бош қўйи бор. Икки гектар боғидан мева билан бирга, қатор ораларидан чорва учун ем-хашак оляпти. Одам боласи бир-бирдан урганиб яшайди. Тадбиркорлар кўпайгани сари эса, бир-бирга ҳавас қилганлар сони ортади.

Шу изланишга мойил мирободликларнинг раиси Абдуҳаким Юсуповга маҳалланинг пасту балади, аҳолисининг феъл-автори беш қўлдай аён. Бу йил ким олий ўқув юртига ўқишга кирди, ким тўй қилмоқчи, кимнинг тадбиркорликка ўқуви бору, сармоясига камроқ — барини билади. Маҳалладошлари билан тез-тез суҳбатлашиб, уларни қўллаб-қувватлайди. Бу, халқ ишончини қозониб яшашдек чинакам бахтга етақлайди кишини.

Замира РЎЗИЕВА.

БУНЁДКОРЛИК

# Яна бир янги коллеж

Хива туманидаги Гандимён қишлоғида энгил саноат йўналишига ихтисослашган янги коллеж биноси қад ростлади.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган қўш қаватли таълим масканидан пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилди. «Ишонч» қурилиш корхонаси томонидан бу ерда 1 миллиард

сўмликдан зиёд иш бажарилди. Янги касб-хунар коллежи туман ёшларига байрам тўхфаси бўлди.

Абдулла САФОВ «Mahalla»

ХУШХАБАР

# Эски қовунчида янги гузар

Обод турмуш йили янги ўлимларга ҳар жиҳатдан муваффақият келтираётди. Ҳудудда янги аҳоли массивларининг бунёд этилиши, спорт мажмуалари, маҳалла гузарлари туман ҳуснига зеб бериб, аҳоли турмуши фаровонлашувига хизмат қилмоқда.

Эски қовунчи қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, «Қовунчи» маҳалласи марказида фермер Рустамбек Ҳамробеков томонидан бунёд этилган гузар аҳолининг оғирини енгил, узогини яқинлаштирди. Қишлоқ инфратузилмаси ривожига катта таъсир кўрсатаётган гузарда маҳалла ёшлари доимий иш билан банд бўлгани қувонарлидир. Умумий овқатланиш, сартарошлик, пойабзал таъмирлаш каби хизматлар билан аҳолига наф келтираётган гузар яқинида яна бир муҳташам кошона — маҳалла тўйхонаси ҳам иш бошлаш арафасида.

Тинч ва осуда юртга тўйлар ярашади, шодиёналар хурсандчиликларга уланади. Ушбу мажмуа ишга тушса, қовунчиликларнинг турли тадбирлари янада файзли ўтиши табиий. Ун нафарга яқин кишининг доимий иш билан таъминланиши эса, шунча оиладаги фаровонликка асос бўлади, албатта.

Бир сўз билан айтганда, Эски қовунчи қишлоғи кундан-кун ободликка, тараққиётга юз тутмоқда.

Карима ДЎЛТАЕВА, Тошкент вилояти Янгиёул туманидаги Эски қовунчи қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби.

ФОНД КЎМАГИДА

# Маҳсулот ҳажми ортиб, даромад кўпаймоқда



«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, кўрсатилаётган амалий ёрдам ўз самарасини бермоқда.

Буни Наманган вилоятидаги «Файзиобод-балиқчилик» шўъба корхонаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Бундан беш йил муқаддам Турақўрғон туманидаги «Чағиртўқай» ҳудудида балиқ боқишни мақсад қилиб, 21 гектар сув ҳавзаси ташкил этдик, — дейди мазкур шўъба корхона раҳбари Ёқубхон Собиров. — Бизнес режа билан «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Наманган вилояти бўлимига бордим. У ердигилар фикримни қўллаб-қувватлашди. Фонд таъсисчи бўлиб, амалий ёрдам кўрсатди. Дастлабки йиллар тик-

ланиш даври бўлди. Утган йили эса эл дастурхонига 13,5 тонна сифатли балиқ маҳсулотлари ет-казиб бериб, 23 миллион сўмдан ортиқ даромад қилдик.

Шуниси аҳамиятлики, шўъба корхонада олти киши мунтазам иш билан банд. Шулардан икки нафари коллеж битирувчиларидир. Жорий йилда балиқчи-лар маҳсулот ҳажмини ошириб, даромадини янада кўпайтирмоқ-чилар. Бунинг учун ҳар бир ишчи-хизматчи астойдил меҳнат қилмоқда.

Фарҳод ҚОДИРОВ «Mahalla»

# Яна бир қўлайлик



УшА сурати.

Обод турмуш йилида Наманган шаҳридаги «Чорсу деҳқон бозори» очик акциядорлик жамиятида харидорлар ва сотувчиларга янада қўлайлик яратиш мақсадида

автомобиллар тўхташ жойи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи сотиш бозори бунёд этилди. Қўрмак ва замонавий қиёфа касб этган бозорда қуруқ мева, қандолат-

чилик, сабзавот, кўкат, нон расталари ишлаб турибди.

Суратда: Наманган шаҳридаги «Чорсу деҳқон бозори» очик акциядорлик жамиятида.

СОЛИҚ МУАССАСАЛАРИДА

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ИСТИҚБОЛИ

Юртимизда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка катта эътибор қаратилиб, соҳага оид имтиёз ва преференцияларнинг жорий этилаётгани иқтисодиётимиз истиқболига хизмат қилмоқда.

Айниқса, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Қўлай бизнес туридаги муносабатларни тартибга солиш, уларнинг тўлақонли ривожланиши учун иқтисодий-ҳуқуқий таянч бўлган мазкур қонун дунё қонунчилигида ҳам янгилик ҳисобланади.

Қонунда оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги белгилангани ушбу йўналишда тадбиркорликни амалга оширувчилар учун қатор энгилликларни юзага чиқаради. Оила аъзоларининг даромад топиш мақсадида амалга ошириладиган ушбу ташаббускорлик фаолияти иштирокчиларнинг ихтиёрийлигига асосланади.

Оилавий корхонанинг қатор афзалликлари бор. Аввало, оилавий корхона фаолиятини турар-жойида истиқомат қилган ҳолда амалга ошириш мумкин. Товарлар ишлаб чиқариш(ишлар бажа-

риш, хизматлар кўрсатиш)да фойдаланилган электр энергияси, сув, газ ва иссиқлик таъминоти ҳақини тўлаш эса, аҳоли учун белгиланган тариф ҳамда шартлар асосида тўланилишини қонун ка-тиб қўлади. Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асос-да тегишли бўлган турар-жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик бинаolari ва бошқа иморатлар оилавий кор-хона фаолияти амалга оширилар-дан жой бўлиб, иштирокчилар-га мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар-жойларини улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди.

Шуни қайд этиш жоизки, оилавий корхона қонун ҳужжат-ларида белгиланмаган тартиб-да ягона солиқ тўловчиси-дир. Бундан ташқари, оилавий кор-хона меҳнат ҳақи қонундан иж-тимоий фондларга қонун ҳуж-жатларида назарда тутилган тар-

тибда мажбурий тўловлар тўлай-ди. Оилавий корхонанинг фой-даси солиқлар ва бошқа мажбу-рий тўловлар тўланганидан кей-ин унинг иштирокчилари та-сарруфига ўтади. Бундай кор-хоналарга кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳуж-жатларида назарда тутилган им-тиёз, преференция ва кафолат-лар таъбиқ этилади.

Корхонанинг бундай шакли-нинг молия-хўжалик фаолиятини режа-ли текшириш кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилиши қонундан кафолат-ланган. Янги ташкил этилган оила-вий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти у давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида ре-жа-ли текширувлардан ўтказил-майди, бюджет маблағларидан ва марказлаштирилган маблағлар-дан ҳамда ресурслардан мақсад-ли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно. Булардан қўринадими, мазкур турдаги тадбиркорлик ҳаракати давлатимизнинг алоҳида гамхур-лиги остида ривожланаётди.

Яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркин-лигининг кафолатлари тўғриси-да»ги қонундан ўрин олган мет-



ёрлар ҳам тадбиркорларга янада ғайрат билан меҳнат қилиш им-конини яратяпти. Хусусан, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳақ-хуқуқла-рининг устуворлиги мустақам-лаб қўйилгани, қонун ҳужжатла-рида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган зиддият ва ноаниқликлар айнан тадбир-корлик фаолияти субъекти фой-дасига талқин этилади.

Туманимизда ҳам ушбу им-тиёзлардан унумли фойдаланиб, оилавий бизнесини юртгаётган-лар бисёр. Жорий йилда Серге-

лида 25 та оилавий корхона таш-кил этилди. Натижада 75 та янги иш ўрни яратилди. Бу эса ма-ҳаллалар ободлигига ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, оила-вий тадбиркорликнинг ривожла-ниши бандликни таъминлаш, ички бозорни маҳаллий маҳсу-лотлар ва хизматлар билан тўлдириб, ўз навбатида, юрт равнақи ҳамда эл фаровонлиги-ни оширишга хизмат қилади.

Фахриддин АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар Сергеи тумани ДСИ бўлим бошлиғи.

ХУНАРДАН УНАР

МАРГИЛОН МАТОСИДА ЎТМИШ ВА БУГУН УЙГУН



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Маргилонын атлас ва адрасларидаги безаклар ўзининг жозибаси билан ҳар қандай кишини мафтун этади. Ҳарир, сержилва, ёрқин бўёқлар бир-бирига уйғунлашган матолар халқнинг қалб кўри, меҳри, ҳалол меҳнатининг самарасидир.

Адрасу атлас тўқиш асрлар оша маргилоликларнинг фахрифтхори сифатида сайқаланиб, эъзоз ва эътибор топаётди. Бу ернинг матоларига дунё аҳлининг қизиқиши юқори. — Маҳсулот пишиқ-пухта, бежирим ва жозибали бўлиши учун

хунарманда-тўқувчи тажрибали бўлиши лозим, — дейди Маргило шаҳридаги «Надирмат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нурхон Каримова. — Қолаверса, у табиат гўзаллигини

ҳис қилсагина нафис мато ярадади. Атлас тўқувчилар сулоласидан бўлганим боис, бу машаққатли, лекин шарафли хунар сирларини яхши ўзлаштирганман. Айни кунда маҳалламизнинг Нафиса ва Нафосат Олимова, Фотима ва Зухра Тошпўлатова сингари хотин-қизлари тўқиш анъаналарини ривожлантириб, матога янгича сайқал беришга ўтишди. Шу йилнинг ўзида хусусий тадбиркор Мухторжон Камолов ташаббуси билан ташкил этилган пиллани қайта

ишлаш тармоғида касаначилик асосида 70 та иш ўрни яратилди. Эңдиликда маҳалла аёллари фарзанд тарбияси, уй юмушларидан ажралмаган ҳолда фойдали меҳнат билан машғул бўлишга ўтишди. Бу эзгу ҳаракатлар оилалар тинч-товулиги, маҳаллалар ободлигини таъминламоқда.

Маргилон матолари орасида хомашёни, безаги ва тўқилиши бўйича бир-бирдан фарқ қилувчи ўнлаб маҳсулот турлари бор. Бекасам, адрас, парипоша, банорас, ҳарир, шойи, кановиз, яқруя, атлас, хонатлас, чит, олача, қалами, бўз шулар жумласидандир. Айниқса, атлас ва хонатласнинг ўзига хос хусусиятидан бири унинг гуллари матога эмас, уриш ипига туширилишидир. «Абр» услубида ранг бериш, гул солишини Маргилоноча андозаси шуни талаб этади.

— Истиклол йилларида тадбиркор ва ишбилармонларга яратиб берилган қўлай шарт-шароит ва имкониятлар хунарманчилик анъаналарини ривожлантирди, — дейди Хунарманда уюшмаси Маргило шаҳар бўлими бошлиғи Раулжон Мирзааҳмедов. — Маргилонын ипаклари ўзининг табиий бўёқлари, юқори сифати, узок вақт ўз хусусияти, живасини йўқотмаслиги билан алоҳида ажралаб туради. Атлас матолари тулки ипақдан тўқилса, адрасга табиий пахта ипалари «арқоқ» сифатида қўшилади. Қадимдан ундан эркаклар уст-бошлари тайёрланган. Ҳозирда бу матоларнинг хо-

рижлик мижозлар талабига мос янги нусхалари яратилмоқда. Маҳсулотларимиз шу йил Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган халқаро кургазмада юқори баҳонат билан машғул бўлишга ўтишди. Уларнинг турларини кўпайтириш борасида шартномалар тузди. Айни кунда уюшмамиз аъзоси бўлган 585 нафар уста хунарманчиликнинг 25 тури билан шуғулланмоқда. 48 та хунарманчилик мактабларида касб-хунар коллежи талабалари ва ёшларга қатор хунар сирлари ўргатиляпти. Шунингдек, касаначилик асосида ҳам иш олиб бормиз. «Маҳалла» хайрия жамоат фондидини шаҳар бўлинмаси билан ҳамкорликда атлас, адрас тўқувчиларга хомашё харид қилишлари учун моддий қўмак беришимиз.

Уста хунармандалар юрти Маргилонода миллий мато тўқиш сифат ва саноат ҳақидаги йил сайи ривожланмоқда. Айниқса, маҳалла фаоллари ёшларни бу ишларга жалб этиш, ноёб хунар сирасорларини ўргатишни бир дам бўлса-да, тўхтатгани йўқ. Жорий йилнинг ўзида касб-хунар коллежларини битириб 200 нафар ёш хусусий корхонага ишга қабул қилинди. «Барс» интернейш» хорижий компаниясида гилам, «Ёдгорлик» корхонасида атлас ва адрас тўқиш мақсадида 50 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Маргилонын матоларининг шуҳрати эса тобора қўлоқ ёймоқда.

Расул КАМОЛ «Mahalla»



«Катта йигирмалик» йиғилди

Санкт-Петербургда «Катта йигирмалик»нинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди.



Саноати тараққий этган давлатларни ўз ичига оловчи «Катта йигирма-

лик»нинг бу гали саммитида иқтисодий ўсиш, савдо, банк тизимлари шаффофлиги, янги иш ўринлари яратиш, солиқдан қочишга қарши кураш ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Шу билан бир қаторда, Суриядаги вазият ҳамда мамлакат ҳукуматига қарши ҳарбий куч ишлатиш борасидаги баҳслар саммит кун тартибиди муҳим масалалардан бири бўлди.

Тошқин: хавф ортмоқда

Россиянинг Узоқ шарқ минтақасида сув тошқинлари ҳамон давом этмоқда.




Маълумотларга қараганда, Хабаровск туманида Амурнинг сатҳи сўнгги 24 соатда етти сантиметрга пасайиб, саккиз метр-

ни ташкил қилган. Бироқ таҳлилларга қўра, сув жуда секинлик билан пайсаямоқда. Сентябрь ойининг охирига қадар унинг сатҳи бор-йўғи бир-икки метрга тушиши мумкин. Дарёнинг қуйи оқими — Амур бўйи Комсомольск туманида сув миқдори, аввалгидек, ошиб бораётди. Унинг ўлчами 8,45 метрдан яна 12 сантиметр кўтарилиди. Тошқиннинг олдини олиш мақсадида шаҳар дамбалар билан йхоталанмоқда.

Фаолиятини яқунлайди

Олти карра Олимпиада чемпиони Усейн Болт 2016 йилги Рио-де-Жанейрода ўтадиган Олимпиада ўйналаридан сўнг ўз карьерасини яқунлашини эълон қилди.



Ямайкалик спринтер (яқин масофага югурувчи) журналистлар билан суҳ-

батда келгуси Олимпиадада фақат олтин медалларни қўлга киритмоқчи эканини айтди. 27 ёшли спортчи саккиз карра жаҳон чемпиони ҳамда 100 ва 200 метрга югуриш бўйича амалдаги жаҳон рекорди соҳибидир.

У 2014 йилги беллашувларда янги жаҳон рекордини ўрнатди. Шу йилнинг август ойида Москвада ўтган енгил атлетика бўйича Жаҳон чемпионатида спортчи уч олтин медални қўлга киритди.

Интернет маълумотлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Ўқувчилар мазмунли дам олди



ЎЗА сурати.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми таҳлилига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолига кўра болалар манфаатларини таъминлаш, уларнинг сифатли таълим ва мазмунли дам олиши учун зарур барча шароит яратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2012-2013 йилларга мўлжалланган манзилли дастурга мувофиқ 19 оромгоҳ капитал таъмирланиб, 13 оромгоҳ реконструкция қилинди, янги 4 оромгоҳ барпо этилди. Хусусан, жорий йилда мамлакатимизда стационар турдаги ва кундузги 1058 болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилди. Уларда мавсум давоминда 293 минг 866 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Бу ўтган йилларга нисбатан қарий 24,7 минг нафар кўпдир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг 73 минг нафардан ортиқ фарзанди, жумладан, 3900 нафар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиси ва жисмоний имконияти чекланган болалар имтиёзли тарзда соғломлаштирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 4,5 минг нафар ўғил-қиз Тошкент, Самар-

қанд, Жиззах, Қашқадарё вилоятларидаги сўлим масканларда ҳордиқ чиқарди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда икки минг нафар она-бола имтиёзли тарзда дам олди.

Барча оромгоҳларга танлов асосида саралаб олинган педагог кадрлар, тиббиёт ходимлари, спорт йўриқчилари ва бошқа ходимлар бириктирилди. Ўзбекистон Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазириликлари ходимлари томонидан хавфсизликни таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Оромгоҳларда фан, бадиий ижод, спорт-соғломлаштириш каби йўналишлар билан бирга, хорижий тилларни ўрганиш бўйича ҳам маҳсул дўғарақлар ташкил этилди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирилик билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган маҳсул дастурлар асосида таниқли санъаткорлар ва ёш ижроичилар иштирокида концертлар намойиш этилди. «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакатидир», «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Касаба уюшмалари — болаларга» каби акциялар, кўрик-танловлар, бадиий курғазмалар, спорт мусобақалари таътилининг янада қизиқари ва мазмунли ўтишига хизмат қилди.

З.ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

СУВ СПОРТИ

Ҳамюртимизнинг кумуш медали

Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг етмишдан зиёд мамлакатидан бир ярим минг нафардан ортиқ спортчи ўзаро куч синашди.

Нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Вадим Меньков каноэда эшкак эшиш бўйича 500 метр масофалик пойғада маррага иккинчи келиб, кумуш ме-

дални қўлга киритди. Эслатиб ўтамиз, бу — ҳамюртимизнинг жаҳон чемпионатларидаги бешинчи совринидир. У аввал иккитадан олтин ва бронза медалга сазовор бўлган.



ФУТБОЛ

Тақвим ўзгарди



Шу йилнинг 25-29 сентябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг саралаш баҳслари тақвимига ўзгартириш киритилди.

Бунга сабаб Маддив ороллари терма жамоасининг мусобақада иштирок этишдан бош тортиганидир. Саралаш баҳсларининг «В» гуруҳи ўйналарига Тошкент шаҳри мезбонлик қилди. Унда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Фалас-

тин ва Яман вакилларига қарши баҳс олиб боради. Учрашувлар «Жар» стадионида бўлиб ўтади. Хабарингиз бор, мамлакатимизнинг шу ёндаги терма жамоасига тажрибали мураббий Темур Олимхўжаев устозлик қилмоқда.

ЎСМИР ВА ЖАМИЯТ

МАШҒУЛОТЛАР ТАНАНИ ҲАМ, СОҒЛИҚНИ ҲАМ ТИКЛАЙДИ

Ёш авлоднинг соғлом вояга етиши мамлакат истиқболини белгилайди. Шу билан бирга ногирон болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши ҳам давлатимиз томонидан қамолланган.

Юртимизда ногирон болаларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, саломатлигини сақлаш, билим олиши ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш қонунларида кўзда тутилган талаблар орқали амалга оширилади. Қолаверса, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда «Давлат ногирон болалар тўғрисида алоҳида гамхўрлик қилади», деган қоида мустақамланган.

Мамлакатимизда маҳсул соғломлаштириш таълим муассасаларида ўғил-қизларимизга алоҳида гамхўрлик кўрсатилади. Жумладан, умуртқа поғонаси қийшайиши (сколиоз) хасталиги аниқланган болаларга маҳсул шароитларда таълим-тарбия бериш мақсадида бир нечта мактабгача тарбия муассасала-

ри ва ўнға мактаб-интернат фаолият юритмоқда. Ушбу таълим-тарбия ва соғломлаштириш масканлари болаларга бепул хизмат кўрсатаётгани давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсати намунасидир. Бу эса уларнинг тезда соғайиши, аҳоли ўнғилишига омил бўлмоқда.

Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида жойлашган 4-сонли соғломлаштириш мактаб-интернатида умуртқа поғонаси қийшайиши хасталиги бор болалар тарбияланишида. Мактаб-интернат директори уринбосари Манзура Ишматованинг таъкидлашича, айни кунда тарбияланувчилар сони 380 нафарни ташкил қилди. Уларга 39 нафар педагог, 38 нафар тарбиячи, 43 нафар тиббий ҳамда 50 нафар техник ходим хизмат кўрсатмоқда.

Муайян муддатда болалар назоратдан ўтказилиб, соғайганлар умумий мактабларга кузатиляпти. Синфхона ва ётоқхоналар тарбияланувчиларнинг соғайишига мувофиқ жиҳозланган. Маҳсул парталар, ётоқхона анжомларига касаликни бартараф этишга хизмат қилади. Дарс жадваллари ва машғулотлар бу ердаги таълим тизимининг ўзига хослигини ифода қилади. Мактабда спорт ва саломатликка алоҳида аҳамият қаратиляпти. Дарс жадвалида гимнастика даволаш машқлари билан фаол тақсимланган. Даволаш гимнастика залида спорт мураббийлари ҳар бир бола билан алоҳида шуғулланади. Касаликнинг белгиларига қараб, машғулотлар ўтказилади, шунингдек, физиотерапия муолажалари ҳам қўлланилади.

Ёшлар 30 га яқин тўғарақларда буш вақтларини мазмунли ўтказишга ўтишди. Футбол, баскетбол, қўлтупи, гимнастика майдонлари-

дан ташқари, алоҳида даволаш гимнастика хонаси ҳамда ёпиқ сузиш ҳавзаси доимо гавжум. Муассаса ҳовлисида ёзги мавсумга мослаб яна бир сузиш ҳавзаси қўрилди.

— Болалар ўртасида учрайдиган умуртқа поғонаси қийшайиши касалиги мунтазам равишда спорт билан шуғулланиш йўли билан даволанади, — дейди мактаб-интернати бош шифокори Маҳфуза Бурибоева. — Таъкидлаш жоизки, болалар ва ўсмирлар танасининг ривожланиш босқичида бу хасталикка чалиниш хавфи кучаяди. Шу боис умуртқа поғонасининг айни жадал ривожланиш палласида болаларни сколиоздан асраш, ўз вақтида даволаш муҳим аҳамиятга эга.

Тарбияланувчиларга беш маҳал фойдали элементларга тўйинган овқатлар берилади. Уқалаш, парафин, массаж каби муолажалар уларнинг кундалик машғулотларига айланган. Бола касаликнинг биринчи босқичидаёқ сузиш

ва бадантарбияга жалб этилса, кун тартиби ортогонал режим ва соғлом турмуш тарзи талабларига мос тузилса, уларнинг мушак ва пай тизими яхши ривожланади. Маҳсул машғулотлар бажарилаётган пайда умуртқа куч-қувват олади. Бу каби сай-ҳаракатлар беморни соғломлаштиришда муҳимдир.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида «Дўмбиробод» маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳар ҳафта давомида бошланғич синф ўқувчиларидан 20 нафари, юқори синф ўқувчиларидан 25 нафари намунали, деб топилиб, уларга маҳсул соғалар улаштилади. Бу эса ёш авлоднинг соғломлаштириш, уларга муносиб таълим-тарбия бериш билан бир қаторда «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада мустақамлашга хизмат қилаётди.

Нилуфар ҲАСАНОВА.



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93 233-39-89 236-53-75 236-57-62 Факс: 233-10-73



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А2, 4 босма табоқ. Саҳифаловчи: Л.Мейликков Мусаҳҳиж: Н.Азимова Навбатчи: Н.Юнусова Нашр навбатчиси: Э.Жуманов Нашр курсаткичи: 148

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси 32-уй Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кучаси 30.